



Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

50
(795)-son

14-dekabr

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2007

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqq boshlagan

2008 йил — Ёшлар йили

Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир.

Ислом КАРИМОВ



Юртининг келажаги, эгаси улар

Яқинлашиб келаётган 2008 йилнинг Юртбошимиз томонидан "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши барча ўзбекистонликларни мамнун қилиб юборди. Негаки, юртининг келажаги, эгаси бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўқиб, илм олишлари, касб-хунар эгаллашлари, шунингдек, олган билим ва кўникмаларини амалда кўрсатишлари учун шароит яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Зеро, юрт мустақиллигига эришилганида бошланган буюк мақсадлар йўлидаги эзгу ишларимизни давом эттириш ёшларимизнинг ақл ва салоҳияти, маънавияти ва шижоати-га кўп жиҳатдан боғлиқ.

3-БЕТ

23 ДЕКАБР —
Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови куни



УЧРАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Халқимиз мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида турибди. Шу боис, жойларда мазкур жараёни ўтказишга тайёргарлик ишлари юқори суръатларда борапти. Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг жойларда сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда.

Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов 6, 10, 12 декабр кунлари Бухоро, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари сайловчилари билан учрашди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Аслиддин Рустамов 6, 11 декабр кунлари Навоий ва Тошкент вилоятлари сайловчилари билан учрашган бўлса, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Президентликка номзод Дилором Тошмухамедованинг 11 декабр куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Барча учрашувларда йирилганлар номзодларнинг таржимаи ҳоли ва дастурлари билан таништирилди. Номзодлар учрашувларда нутқ сўзлашди.

Шунингдек, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 10 декабр куни Наманган ва Андижон вилоятлари, 11 декабр куни эса Фарғона вилояти сайловчилари билан учрашди. Йирилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Учрашувларда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Бўлиб ўтган барча учрашувларда сўзга чиққанлар сайловчиларни 23 декабр куни ўтказиладиган Президент сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.




ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ



UzNet

Internet Service Provider

— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети

JUMADAN — JUMAGACHA

- ✓ **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг 15 йиллиги муносабати билан 7 декабр куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов йиғилишда маъруза қилди.**
- ✓ **Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида, Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонларига мувофиқ, ўзининг фидокорона меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, ҳаётимизнинг барча соҳаларини ривожлантириш, юртимизда тинчлик ва оқсоқликни сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашда ўрнатилган намуна кўрсатган халқимизнинг муносиб вакиллари юксак давлат мукофотлари — фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган эди. Президентимиз Ислам Каримов 7 декабр куни Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотларини топширди.**
- ✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 11 декабр куни Оқсаройда Малайзиянинг "Петронас" корпорацияси президенти Тан Сри Дато Сри Моҳд Ҳасан Марикани қабул қилди. Сўхбат чоғида "Петронас" билан биргаликда амалга оширилаётган кўшма лойиҳаларга, янгиларини ишлаб чиқишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.**
- ✓ **Ўзбекистон Республикасининг Қоҳирадаги элчихонасида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Тадбирда Миср Араб Республикасининг ижтимоий-сиёсий, илмий, таҳлилий доиралари ҳамда мамлакат етакчи оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди.**
- ✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12 декабр куни Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия ва иқтисодиёт вазири Квон О Кюни қабул қилди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида савдо, иқтисодиёт ва сармою соҳаларидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.**
- ✓ **Матбуотда "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги, "Табийи монополиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ва "Жамоат фондлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига қўшимча киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари эълон қилинди.**
- ✓ **"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясига қарашли Куов-механика заводидан вагон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу муносабат билан заводда бўлиб ўтган тақдирот маросимидан "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг раиси О.Раматов Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда транспорт тизимини, хусусан, темир йўл тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА КОМПЮТЕРЛАШТИРИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МУВОФИҚЛАШТИРИВЧИ КЕНГАШНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ВАЗИРЛИК ВА ИДОРALAR РАҲБАРЛАРИ, ШУ СОҲА МУТАХАССИСЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.



Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг ушбу соҳага оид айрим қонунлари ижроси таҳлил қилинди, давлат идораларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда интерактив хизмат кўрсатиш, идоралараро ҳужжат айланиши тизимини ташкил этиш масалалари муҳокама этилди. Мамлакатимизда электрон тижорат ва электрон тўловлар тизимларини жорий этиш даражаси, уларни ривожлантириш борасидаги муаммо ва камчиликлар ҳам батафсил кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Дав-

лат статистика қўмитаси раҳбариятининг компютер технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат статистика ҳисоботларининг электрон шаклини татбиқ этиш тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Тошкент шаҳрида электрон шаклдаги давлат статистика ҳисоботларини қабул қилиш бўйича синов лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, республикада қисқа вақт ичида энг янги услубиятни жорий этиш жараёни ҳам муҳокама этилди. Йиғилиш иштирокчилари архивларда электрон ҳужжатларни

сақлаш бўйича халқаро тажриба билан таништирилди. Электрон архивлар тўғрисидаги низом лойиҳаси, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали электрон архивларни ташкил этиш ва уларни янада ривожлантириш имкониятлари таҳлил қилинди. Қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботи тингланди, мавжуд муаммо ва камчиликлар бўйича топшириқ ҳамда тавсиялар берилди. Йиғилиш якуни бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

TADBIR

Агентликда байрам тадбири

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҶА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИДА МАМЛАКАТИМИЗ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМ ЎТКАЗИЛДИ. УНДА АГЕНТЛИК БЎЛИМЛАРИ, АЛОҶА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯЛАРИ, ҚОРҶОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАР ВА МУТАХАССИСЛАРИ ҚАТНАШДИ.



Йиғилишда Агентлик Бош директори А.Арипов табири нутқи сўзлади. Соҳа раҳбари мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, кишилар онгида, дунёқарашда юз берган ўзгаришларга тўхталар экан, бу борада Асосий Қонуни-миз — Конституция ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тадбирда давлатимиз суверенитети, демократия, диний бағрикенглик, ижтимоий адолат кафолати ҳисобланган Конституция жамиятимиз тинчлигини мустақамлашнинг ҳуқуқий пойдевори эканлигига асосий урғу берилди.

Йиғилишда Агентлик бош юридик маслаҳатчиси

Б.Жабборов "Халқимизнинг бош мақсади — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари асосида фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш" мавзусида маъруза қилди.

Шунингдек, тантанали маросимда мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан Юртбошимиз Фармонига кўра мукофотланган "Республика махсус алоҳа боғламаси" давлат унитар корхонаси бошлиги Мирраҳим Мирносиров ҳамда "Ўзбектелеком" АК "Шаҳарлараро алоҳа корхонаси" филиалининг 10-шаҳарлараро магистрал алоҳа техник боғламаси бош электромеханиги Мардон Рўзиевларга "Шухрат" медали топширилди.

Соҳа раҳбари Конституция кўни арафасида алоҳа соҳаси фахрийларидан бир гуруҳи билан ҳам учрашув ўтказди. Кўп йиллик самарали меҳнати билан соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшганликлари учун уларга миннатдорчилик билдирди.

Элбек ДОЛИМОВ

TAQDIMOT

Янги почта маркаси

7 ДЕКАБР КУНИ "ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ"НИНГ АМАЛИЁТЛАР ЗАЛИ СОҲА ҚОРҶОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИДАН ТАШРИФ БУЮРГАН МЕҲМОНЛАР ВА ФИЛАТЕЛИСТЛАР БИЛАН ГАВЖУМ БЎЛДИ.

Шу кўни Асосий Қонуни-мизнинг 15 йиллигига бағишлаб чиқарилган почта маркасини муомаллага киритишга бағишланган маросим ўтказилди. Маросимда Ўзбекистон алоҳа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари А.Ҳужаев қатнашди ва нутқ сўзлади.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан тайёрланган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 15 йил" почта маркасида мамлакатимиз Конституцияси китоб ҳолида акс эттирилган. Махсус хотира тамғасида эса Конституция китоби очик ҳолатда тасвирланган, ўзбек тилининг лотин алифбосида "O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasiga 15 yil" сўзлари ёзилган, махсус хотира тамғаси туширилган жой ва сана кўрсатилган.



Ўз мухбиримиз

● 2008 YIL — YOSHLAR YILI

● YANGI XIZMAT TURLARI



(Давоми. Бошланиш 1-бетда.)

Бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизини ташкил этиши Республикаимиз Президенти томонидан алоҳида таъкидланди. Демак, олдимизда турган вазифалар улкан ва салмоқли.

Минг шукурки, бугунги ёшларимизнинг шижоатлари баланд. Улар буюк боболаримиз номига мос равишда ўз танлаган йўлларида собит ҳолда юрт номини дунёга танитишга астойдил бел боғлаганлар. Сўнгги йилларда уларнинг спорт, санъат, илм-фан каби соҳаларда эришган ютуқларини дунё тан олмоқда. Кундалик матбуот нашрларини варақлар экансиз, бирор сони йўқки, ёшларимиз эришган ютуқлар ҳақида сўз бормаган бўлса. Қалбимизни Руслан Чагаев эришган оламшумул ғалаба нашидаси тарқ этмасидан туриб, яна бир ҳаюртимиз — Аббос Атоев Чикагода бўлиб ўтган чемпионатда олтин медални қўлга киритиб, бокс бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Ёки киберспорт бўйича Осие ўйинларида иштирок этиб, кумуш медал соҳиб бўлган Дониёр Музаффаров эришган муваффақият ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин.

Эришилган ютуқлар замирида аввало халқимизнинг фарзанд тарбиясига бўлган эътибори ётибди, албатта. Негаки, азалдан болажон халқимиз. Бир болага етти қўшни ота-она қабилида иш тутувчи оилаларда ўсаётган фарзандларнинг ҳар томонлама мукамал тарбия олишларида жамоат ташкилотлари ва янги

истеъодларнинг юзага чиқишига сабаб бўлувчи кўрик-танловларнинг ҳам ўрни катта бўлмоқда. Бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари олиб бораётган ишлар алоҳида эътиборга сазовор. Шунингдек, санъат соҳасидаги истеъодли ёшларни элга танитаётган "Нихол" ва адабиёт, шеърят соҳасида янги "юлдуз"ларни кашф этаётган "Зулфия" мукофоти ҳамда "Янги авлод" ва "Келажак овози" кўрик-танловларининг аҳамияти катта бўляпти.

Алоқа соҳасини етук кадрлар билан таъминлашда Тошкент ахборот технологиялари университети педагогик жамоасининг меҳнатлари мақтовга лойиқ. Бу ерда ёшларнинг замон талаблари асосида тўлиқ билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё. Замонавий техник асбоблар билан жиҳозланган фан кабинетлари, ўқув хоналари, ётоқхоналар ёшлар ихтиёрида. Олийгоҳ талабалари ҳукуматимизнинг эътибори, қўллаб-қувватлашлари билан илҳомланиб, кўзга кўринарли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Бериуний стипендияси танловида университетнинг тўрт нафар талабаси голиб бўлганлиги фикримизнинг далилидир.

— 2008 йилнинг Ёшлар йили деб аталиши биз ёшларнинг ғайратимизга ғайрат, шижоатимизга шижоат кўшиди, — дейди Бериуний стипендианти, ТАТУ ахборот технологиялари факултети талабаси Ахроржон Абдувалиев. — Шу пайтга қадар ҳам бизнинг пухта билим олишимиз учун барча имкониятлар мавжуд эди. Ишонаманки, Ёшлар йили муносабати билан ёшларга бўлган эътибор янада ортади. Биз халқимиз ва Юртбошимиз

ишончини оқлаш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга солаверамиз. Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш учун куч-ғайратимизни аямаймиз.

Дарҳақиқат, Ёшлар йили муносабати билан тузиладиган Давлат дастурида ёшлар ҳаёти билан боғлиқ энг муҳим, эътиборталаб масалалар ўз ечимини топтомоғи аниқ.

— Бугунги кунда "Ёшларимиз бизнинг таянчимиз, ишончимиз ва келажакимиз" деган сўзлар кўп ишлатиладиган иборатга айланиб қолди, — деди Президентимиз Ислон Каримов Республика Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишдаги нутқида. — Бу албатта бизнинг, барча ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг орзу-умиди, десак ҳар томонлама тўғри бўлади. Лекин мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, бу иборани кенгрок маънода ифода этишни истардим. "Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажакимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир", десак, ўйламанки, бу олий бораётган сиебати ва мақсадларимизга жавоб берадиган давлат бўлади.

Республикаимиз Президентининг бу сўзлари ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида келгусида олиб бориладиган эзгу тадбирлар гўзал юртимиз ёшларининг мамлакат равнақи ва тараққиёти учун бундан-да кўпроқ тер тўкишлариغا, бундан-да кучли шашту шижоат билан меҳнат қилишлариغا сабаб бўлади.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Курерлик хизмати

— Ўтган ҳафта идора эшигида навбат кута-кута ишим битмай қайтиб кетдим. — зорланди аризачи шеригига, — бугун яна бошлик қабулига ёзилиб қўйдим. Сиз ҳам ўтган ҳафта киролмагансиз-а?

— Ҳа, навбат кутишга сабрим чидамади, — қулди сужбатдоши. — Кечгача вақтимни беҳуда кетказиб ўтирмадим... Мана, бугун аризам натижасини билиб кетяпман!

Иши жуда тез битган кишининг хурсандчилигига сабаб оддий: почта курерлик хизматидан фойдаланган. Гап шундаки, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиали Андижон шаҳар почта алоқаси тармоғида ҳам курерлик хизмати ташкил этилди. Бундай хизмат туридан миқозлар мамнун. Атиги 250 сўм ҳақ тўлаш эвазига хат жўнатмалари 24 соат ичида Андижон шаҳридаги ҳар қандай манзилга, узоғи билан 48 соат ичида эса вилоятнинг туманларидаги манзилга етказилади.

— Агар миқоз жўнатмани курерлик хизматига соат 12-00 га қадар топширган бўлса, ўша кунгич манзилига етказилади, — дейди курер Расулжон Маматов. — Агар бундан кечикиб топширса, эртасига, аммо 24 соат ичида эгасига топширилади. Мазкур янги хизмат турини йўлга қўйиш учун қўшни Фарғона вилоятидаги ҳамкасбларимиздан тажриба ўрганиб қайтдик. Аҳолига жуда маъқул келиб қолди. Бунга ўтган икки ойлик фаолиятимиздаёқ амин бўлдик.

— Даромад ҳам чакки эмасдир? — сўраймиз Расулжондан.

— Аҳолига хизмат кўрсатишдан ҳозирча ойига 100-200 минг сўм тушум бўляпти. Галдаги вазифамиз корхона ва ташкилотларга ҳам хизматимизни тақлиф этиб, миқозлар сонини ошириш. Мақсадимиз кунгилдагидек амалга ошса, иқтисодий кўрсаткич қандай бўлишини тушуниб олаверинг...

Тармоқда янгиликка интилиб ишлаш яна бир самарали хизмат турида ҳам намён бўлган. Бу аҳолидан пул жўнатмаларини қабул қилиб олиш ва жўнатишнинг электрон усулидир.

— Йил бошидан буён 634 нафар миқоздан электрон пул жўнатмаларига буюртма олдик, — дейди Андижон шаҳар почта алоқаси тармоғи бошлиғи Хоназимхон Раҳимова. — Бу хизмат тури орқали 82 миллион 788 минг сўм электрон пул жўнатмалари қабул қилган бўлсак, бундан тармоғимиз 2 миллион 900 минг сўм фойда кўрди.

Турли вилоят ва шаҳарлардан келган электрон пул жўнатмаларини қабул қилиш ҳамда эгаларига етказиш ҳам шу хизмат тури ичида. Масалан, 1251 нафар фуқарога келган пул жўнатмаларини етказиб бердик. Бу фуқаролар жами бўлиб 818 миллион сўм электрон пул жўнатмаларини қабул қилиб олган...

Эътиборимизни тортигани шу бўлдики, Андижон шаҳар почта алоқаси тармоғи ишчи-хизматчилари кўтаринки қайфиятда, ўз хизматлари билан мамнун. Бўлмаса-чи, ҳамшаҳарларига хизмат кўрсатиб, олқиш олишга нима етсин!

Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ,
"Хабар"нинг Андижон вилоятидаги мухбири

Ҳарбий қисмда тантана



ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ МАХСУС АВАРИЯ-ТИКЛАШ БОШҚАРМАСИДА МАЗКУР ҲАРБИЙ ҚИСМ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН САНАГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ. УНДА БОШҚАРМА РАҲБАРИЯТИ ВА ШАХСИЙ ТАРКИБИ ҲАМДА ЗАНГИОТА ТУМАНИ ФАХРИЙЛАРИДАН БИР ГУРУХИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Тадбирда сўзга чиққан Агентлик Бош директорининг ўринбосари М.Сангилов йиғилганларни ҳарбий қисмнинг 47 йиллиги ва Конституцияимизнинг 15 йиллиги билан кутлади.

Маълумки, мустақиллигимизнинг илк йилларидан Ватанимиз тинчлиги, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги кафолати ҳисобланган Қуролли Кучларимиз қудрати ва салоҳиятини оширишга катта эътибор берилган бошланди. Айни пайтда ўта масъулятли ва шафтли вазифани бажараётган Ватан ўғлонлари ора-

сида алоқачи ҳарбийларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Истиклол йилларида бошқармада энг сўнгги технологиялар асосида янгица ишлашга ўтилди.

Ҳарбий қисмда ёшларнинг маънан ва жисмонан баркамол инсон бўлиб етишишлари, уларда ватанпарварлик фазилатларини юксалтириш йўлида катта куч сарфланмоқда. Бу борада "Қуёшли" маҳалласи билан ўрнатилган ҳамкорлик ҳам яхши натижа беряпти. Аянага айланиб бораётган аскарлар ва маҳалла фахрийлари ўртасидаги учрашувлар ёшларимизнинг миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва тарихимизга бўлган қарашларини янада теранлаштиришга хизмат қилмоқда.

Йиғилишда сўзга чиққанлар бу ишларни эътироф этган ҳолда ҳарбий қисм жамоасига энг самимий тилаklarини йўллашди. Шундан сўнг меҳмонлар байрам дастурхонига тақлиф қилиниб, аскарлар ижросида бадий-муслиқий чиқишлар намойиш этилди.

Абдумажид САГАТОВ,
Бошқарма бошлигининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник

XALQARO HAYOT

ТЕКШИРУВ
БОШЛАНДИ

АҚШ адлия вазирлиги мамлакат Марказий разведка бошқармаси томонидан йўқ қилинган видеоёзувлар юзасидан текширув бошланди.

Бундан бир мuddат олдин разведка идораси 2001 йил 11 сентябр воқеаларига дахлдор деб гумон қилинган шахсларни қийноқлар остида сўроқ қилиш жараёни ақс этган видеотасвирларни йўқ қилгани маълум бўлган эди.

Текширув ўтказишдан мақсад ҳужжатларни йўқ қилиш сабаб-оқибатларини ўрганишдан иборат.

Ўтган ҳафта Америка оммавий ахборот воситалари мамлакат ҳукуматидаги манбага таянган ҳолда разведка бошқармаси қийноқлар ақс этган ёзувларни йўқ қилиб юборгани ҳақида хабар берган эди.

Марказий разведка бошқармаси бошлиги Майкл Хэйдэн видеоёзувлар разведка учун ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмагани ва улар йўқ қилинмаса махфий агентликларга таҳдид солиши мумкинлигини маълум қилган.

ҲАФТАСИГА
БЕШ МАРТА

Корея Халқ Демократик Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида мунтазам юк ташиниш поездлари қатнови бошланди.

Бунга икки корей давлатлари раҳбарларининг жорий йил 2-4 октябр кунлари бўлиб ўтган учрашувида қелишилган эди. Қелишувга биноан энди ҳафтасига беш марта икки мамлакат ўртасида юк поездлари қатнай бошлайди. Улар ҳар ойда 12 минг тонна юк ташийди. Ҳозирча поездлар КХДРнинг Кейсон шахригача келади. Кейинчалик эса қатнов Пхенянгача узайтирилади.

САВОДСИЗЛИК
МУАММОСИ

БМТнинг фан, маданият ва санъат масалалари бўйича ихтисослашган ташкилоти – ЮНЕСКО саводсизлик муаммосига бағишланган ҳисобот эълон қилди.

Ҳисоботда айтилишича, сайёрамиздаги ўқиш ва ёзишни билмайдиган кишилар сони 774 миллионга етган. Саводсиз аҳоли сонининг кўпчилиги бўйича Ҳиндистон биринчи ўринда қайд этилган. Ушбу мамлакатда дунёдаги саводсиз аҳолининг 35 фоизи истиқомат қилади. Шунингдек, Бангладеш, Бразилия, Хитой ва Миср давлатларида ҳам хат танимайдиган кишилар кўпчилиги маълум бўлган.

Мутахассисларнинг таҳминига кўра, ҳисоботда номи қайд этилган 101 давлатдан 72таси 2015 йилгача ҳам саводсизлик даражасини камайтира олмадлиги мумкин.

ЯНГИ МОЛИЯ
ТАШКИЛОТИ

Аргентина, Боливия, Бразилия, Венесуэла, Парагвай, Эквадор ва Уругвай давлатлари раҳбарлари биргаликда Banco del Sur (Bank of South) молия ташкилоти тузиш тўғрисидаги меморандумни имзоладилар.

Халқаро валюта жамғармасига ўхшаб кетадиган бу банк ушбу давлатлар иқтисодийтини маблағ билан таъминлаши лозим. "Reuters" хабарида айтилишича, банк активлари 7 миллиард долларни ташкил этади. Бу маблағнинг асосий қисми Бразилия ва Венесуэлага тегишли.

ЖИНОЯТЧИЛИК
ОРТГАН

АҚШ суд статистикаси бюроси томонидан мамлакатда ҳар юз минг аҳолининг 750 нафари қамоқда сақланаётгани ҳақидаги маълумот тарқатилган.

Шунингдек, маълумотларда 5 миллион фуқаро шартли қамоқ жазосига ҳукм этилгани ҳам қайд этилган.

"Reuters" хабарида айтилишича, жиноятчиликнинг кўпчилиги бўйича Америка жаҳонда биринчи ўринда туради. Сўнгги ўттиз йилда океанрои мамлакатда жиноятчилик беш баробарга ошган.

ДАСТЛАБКИ
ҚАДАМ

Эрон ҳукумати Хитойнинг Sinopet нефть компанияси билан икки миллиард долларлик шартнома имзолади.

Расмий Техрон Фарб давлатлари билан алоқалари ёмонлашган, Осейдан шериклар излай бошлади. Юқоридаги шартнома шу йўлдаги дастлабки қадамдир. Эрон ОПЕКка аъзо давлатлар ўртасида нефть экспорт қилиш бўйича иккинчи ўрнида туради. Ушбу мамлакатда нефть қазиб олишнинг пасайиши жаҳон энергия бозорига сезиларли таъсир кўрсатади.

КЕМА ҲАЛОКАТИ

Эгей денгизида бортида муҳожирлар бўлган кичик кема ҳалокатга учради.

Узунлиги 15 метрлик ушбу кемада 85 нафар йўловчи бўлган. Туркия қирғоқ қўшинлари кўмондонлиги вакилининг таъкидлашича, 6 нафар йўловчи қутқариб олинган, 43 нафарининг жасади топилган, қолганларнинг эса тақдирини номаълум. Хабарларда таъкидланишича, йўловчилар Фаластин, Ироқ ва Сомали фуқаролари бўлишган.


ЭНГ БАЛАНД
БИНО

Буюк Британиянинг The Independent газетаси хабарига кўра, Испаниянинг Авилес шаҳрида қуриладиган маданият маркази Европадаги энг баланд бино бўлади.

Янги иморат тарҳи бразилиялик меъмор Оскар Нимейер томонидан чизилган. Ушбу меъмор БМТнинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган бош қароргоҳи биноси лойиҳасини яратиш билан тилга тушган.

Авилес маданий мажмуаси қурилиши умумий ҳисобда 22 миллион еврога баҳоланяпти. Иморат Лондондаги Барбикан галереяси, Париждаги Помпиду маркази, Нью-Йоркдаги Линколн маркази, Мисрдаги Искандария кутубхонаси ва Сиднейдаги опера театри каби дунёдаги энг йирик маданият марказлари қаторидан жой олади.

Маданият мажмуаси лойиҳаси меъмор Нимейернинг юз ёшга тўлиши муносабати билан жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Дунё тараққиётида муҳим из қолдирган энг таниқли 100 киши қаторида қайд этилган Оскар Нимейер 1907 йилнинг 15 декабрида туғилган.



Интернет материаллари асосида тайёрланди

HUQUQIY SAVODXONLIK

МАШРАБХОН ОПА УЙ-ЖОЙ НИЗОСИДАН ТОЛИҚИБ ЁТИБ ҚОЛДИ. ИШ ЧИГАЛЛИГИДАН САЛКАМ БИР ЯРИМ ЙИЛДАН БУЁН СУДЛАШАДИ-Я! СУДЛОВНИНГ БАРЧА ИНСТАНЦИЯЛАРИДА ИШ КЎРИЛДИ ҲИСОБ. ҲАММА ВАҚТ АДВОКАТ ЁЛЛАЙВЕРИШГА ИМКОНИ ҚАНИ? ЎЗИ ЁЛФИЗ, КАМХАРЖ АЁЛ БЎЛСА... ЯХШИЯМКИ, ЮРТИМИЗ ҚОНУНЛАРИ ИНСОНПАРВАРЛИК ВА АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН.

Хуллас, судда қатнашиш учун ўрнига ишончли вакил ёллади: нотариал тасдиқлаган ишончнома ва ўзаро тузилган битим орқали ваколатини вакилга бериб, номидан ҳуқуқий жараёнларни олиб бориш, судда қатнашишни юклади.

Ҳақиқатан ҳам шундай тартиб қонунда назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал кодексининг 50-моддасига биноан, фуқаролар ўз ишларини судда ўзлари ҳамда вакиллари орқали юритишлари мумкин.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида нафақат умумэтироф этилган инсон эркинликлари ва ҳуқуқларининг бутун мажмуини қонуний ўрнатадиган, балки инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга амал қилиш тартиби ва механизмини белгилайдиган, ушбу соҳа ўстидан давлат ва жамоат назорати турларини аниқлайдиган барқарор ҳуқуқий база яратилди.

Халқ тили билан айтганда, ҳаммамиз ҳам тирик инсонмиз. Кимдир соғлиги туфайли, кимдир ёши ва қандайдир сабаблар боис судда ўз ишлари шахсан олиб боролмайди. Энг кўп учрайдиган сабаблардан бири эса ҳуқуқий билим етишмаслигидир. Лекин, шунинг назарда тутиш керакки, судда ўз ишларини вакиллари орқали юритишни фуқаролик жараёнининг барча иштирокчиларига ҳам бирдек тааллуқли деб тушунамаслик лозим. Тўғри, вакил ўзаро битим, топшириқ шартномаси бўйича топшириқ (ваколат) берувчининг номидан ва унинг ҳисобидан муайян ҳуқуқий ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини олади. Аммо, жиноят ишлари-

Судда вакиллик
нима?

да бундай вакилларнинг ҳуқуқий билим ва малакаси етарли бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам жиноят ишларида камдан-кам ҳолатларда вакил хизматидан фойдаланилади. Қонунчилигимизнинг адолат тамойили шундайки, жиний жавобгарликка тортилган шахснинг ўз ишончли вакилига эга эканлиги адвокат билан таъминланишига тўсқ бўла олмайди. Қолаверса, аксарият жиноят ишлари кўрилатганида судланувчи ҳимоячи билан таъминланган бўлиши шарт. Ўз ўрнида, ҳимоячи эга эканлиги унинг ишончли вакил хизматидан фойдаланишига монелик қилмайди.

Афсуски, сўнгги пайлар ўз ишларини судда ишончли вакилла-ҳимоячи ёки қонуний шунлишлари юзага ришнинг хожати чалғитишларга юриб, айниса, ишлари судларида ни касбга айланти-асосий мақсадлари дан иборат шахслар-бўлгани ҳам сабаб са, бундай шахсларнинг да бўлса ҳам юриспруден-эмаслиги, қонун доирасидан лари боис судларнинг чалғитилишига, иш кўрилишининг мураккабла-шувига олиб келади.

Шу ўринда, судда вакиллик қилишнинг амалдаги қонунчиликда назарда тутилган икки турга тўхталиб ўтмоқчимиз. Токи, одамлар кенг-роқ тушунчага эга бўлсинлар. Вакиллик қилишнинг қонуний ҳамда шартнома бўйича ихтиёрий турлари бор.

Қонуний вакилликнинг вужудга келишига қариндошлик, фарзандлик-ка олинганлик, васийлик ёки ҳомийликни белгиланганлиги каби юридик фактлар асос бўлади. Қонуний вакиллар ФХД, васийлик ёки ҳомийлик идоралари томонидан берилган гувоҳномаларни судга тақдим этишлари керак. Вояга етмаган болалар, ота-онасизлар, муомала лаёқати чекланган ва руҳий ногиронларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояланиши ана шундай қонуний вакиллик орқали таъминланади.

Шартнома бўйича ихтиёрий вакиллик эса суд амалиётида энг кўп учрайдиганидир. Унга кўра, ишонч билдирувчи ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судда иш юритишни вакилга топширади.

— Судларда фуқаролик ишларини кўришда ҳуқуқий билим ва малакага эга бўлган, имкон қадар олий маълумотли ишончли шахсдан вакил сифатида фойдаланиш нақадар фойдаланиш эканини ҳаёт кўрсатяпти, — дейди Фуқаролик ишлари бўйича Избоскан туманлараро суднинг судяси Н.Қодирова. — Айниса, туман ва қишлоқларда адвокатлик хизмати етишмаган шароитда бу ҳол кўп кузатилади. Ҳуқуқий савияси яхши бўлган, судлов жараёнлари тартиб-қоидаларини тушунган ишончли вакиллар нафақат фуқароларга, балки суд жараёнларининг ўз вақтида, адолатли қўриб чиқишини таъминлашга ҳам сезиларли ёрдам беради.

Судларда ишни олиб боришни вакилга топшириш фуқароларимизнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва инон-ихтиёрлари. Аммо, вакил ёллашда ҳам мулоҳаза ва ҳушёрлик талаб этилади. Акс ҳолда, ҳуқуқий маданияти ўзиникидан ҳам паст бўлган, фибригарлик билан машғул кишилар боис хижолатли аҳволга тушишлари ҳеч гап эмас.

Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ,

Андижон вилояти ахборот-қутубхона маркази ҳуқуқшуноси

● NISHONDORLARIMIZ



ФАТУЛЛО ҚОРЎҒДИЕВ КЎП БОЛАЛИ ОИЛАДА ТУҒИЛИБ ЎСГАН. АКА-УКАЛАРИ ТУРЛИ КАСБЛАРНИНГ ЭТАГИНИ ТУТИШДИ. У ЭСА ЎРТА МАКТАБНИ ТУГАТИШИ БИЛАНОҚ АЛОҚА СОҲАСИНИ ТАНЛАДИ.

Садоқат

Тўғри, бу орада маълум муддат темир йўлда ҳам хизмат қилди. Армияда йигитлик бурчини ўтаб қайтди. Бироқ, алоқачилар билан бир сафда туриб ишлаш иштиёқи унга бир кун бўлса-да, тинчлик бермасди. Шу боис, 1978 йилдан бошлаб Жондор тумани олоқа корхонаси, хозирги туман телекоммуникациялар боғламасида электромонтёр бўлиб меҳнат қила бошлади. Шунга ҳам салкам 30 йил бўлибди. Фатулло ака ҳалихануз ўзининг биринчи устози Умарқул Саноев номини ҳурмат билан тилга олади. Зотан, у ўзига ўхшаш ёшларга электромонтёрликнинг сир-асрорларини кунт билан ўргатган, таъбир жоиз бўлса, мустақил ҳаётга дастлабки йўлланмани берган кишилардан.

Таъкидлаш ўринлики, соҳанинг барча ходимлари, шу жумладан, электромонтёрлар учун хозирги пайтда яратиб берилган шароитлар бундан 20-30 йил олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Янги техник жиҳозлар, асбоб-ускуналар, замонавий транспорт воситалари улар ихтиёрида. Мустақиллик йилларида туман миқёсида рўй берган ўзгаришлар, ҳеч шубҳасиз, алоқа соҳасига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Биргина мисол. 1978

йилда ҳудудда атиги 50 рақамли АТС фаолият кўрсатган бўлса, хозирги пайтда сизими 900 рақамли НЕАХ русумидаги станциядан фойдаланилмоқда.

Ҳар бир иш куни Ф.Қорғодиев ва унинг ҳамкасблари учун буортмаларни қабул қилиб олишдан бошланади. Қишлоқ телефон тармоғига тааллуқли ҳар қандай носозликни ўз вақтида бартараф этиши электромонтёрларнинг асосий вазифасига айланган. Шу боис, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам кўнгилдагидек бўляпти. Туманда бугунги кунда жами 18та қишлоқ АТСи мавжуд бўлиб, муҳандис Рустам Расулов бошчилигидаги электромонтёрлар йилнинг тўрт фаслида ҳам туманининг исталган қишлоғи томон йўлга чиқишга ҳамиша шай. Фатулло Қорғодиев ҳамкасблари — Олим Жумаев, Ихтиёр Розиковлар билан бирга асосан Чорзона қишлоғидаги хонадонларга хизмат кўрсатади. Зарафшон қишлоқ телефон тармоғи бўйича йил сайин аҳолига алоқа хизмати кўрсатишда қандай ютуқлар қўлга киритилаётган бўлса, уларнинг барчасида Ф.Қорғодиев ҳамда унинг ҳамкасблари ҳиссаси каттадир.

Туман телекоммуникациялар боғламаси бўйича эришилаётган

ютуқлар ҳам қувончли. Биргина жорий йилнинг ўтган ўн ойи давомида аҳолига жами 245,5 миллион сўмлик телефон хизмати кўрсатилган. Табиийки, бу кўрсаткич йил охиригача янада ошади.

Дарвоқе, Ф.Қорғодиев ва унинг ҳамкасблари туман ва вилоят миқёсида вақти-вақти билан ўтказиб келинаётган соҳа ходимлари ўртасидаги турли кўрик-танловларнинг ғолиблари сифатида ҳам эътироф этилаётир. Масалан, ўтган 2006 йил якуни бўйича Ф.Қорғодиев электромонтёрлар ўртасидаги мусобақада фахрли биринчи ўринни эгаллаб, қимматбаҳо совға билан тақдирланган.

Қорғодиевлар хонадонидан беш нафар фарзанд эл-юрт қорига камарбаста бўлиб тарбия топган. Баҳром — шифокор-фелдшер, Ҳамида — банк иқтисодий коллежи ўқитувчиси, Холида ва Асалхонлар ҳам ўзлари танлаган коллежларда тахсил олишган. Илҳомбек эса Қоракўл туманидаги математика фанини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактабда ўқитувчи.

Республикаимиз мустақиллигининг 16 йиллик байрами арафасида бу оила аъзолари қувончига қувонч қўшилди. Алоқа соҳасидаги кўп йиллик хизматлари учун бир гуруҳ ҳамкасблари қатори Фатулло Қорғодиев ҳам Президентимиз Фармониغا мувофиқ "Шухрат" медали билан тақдирланди. Ўзининг оддий, камтарин меҳнати билан ҳамюртлари орасида иззат-обрў топиб келаётган моҳир электромонтёр Ф.Қорғодиев сингари алоқа соҳаси жонқурларининг бундан кейинги ишлари ҳам доим баъроридан келишига тилақдошми.

Асқар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг Бухоро
вилоятидаги мухбири

● MINNATDORCHILIK MAKTUBI

Почтачиларга раҳмат!

МЕН 1967 ЙИЛДАН БУЁН ГУЛИСТОН ШАҲРИНИНГ 2-МАВЗЕСИДА ИСТИКОМАТ ҚИЛИБ КЕЛАМАН. ШАҲАРНИНГ 2 ВА 3-МАВЗЕЛАРИ АҲОЛИСИГА ПОЧТА ХИЗМАТИ КЎРСАТАЁТГАН АЛОҚА БЎЛИМИ ИШИДАН ХУРСАНДИМИЗ. БЎЛИМ БОШЛИГИ МАРҒУБА ХОЛБЕКОВА БУ ЛАВОЗИМДА 1996 ЙИЛДАН БЕРИ САМАРАЛИ ИШЛАБ КЕЛЯПТИ.

Биз истикомат қилаётган мавзелардаги аҳолига хизмат кўрсатувчи алоқа бўлимида жуда кўп бошлиқлар ишлади. Аммо биронтаси ҳам масъулиятли бу ишни эълонмади. Бўлимга Марғуба бошлиқ этиб тайинланганидан кейин аҳвол батамом ижобий томонга ўзгарди. У ўз зиммасидаги жиддий вазифани виждонан бажариб, аҳоли обрў-эътиборини қозониб келяпти, гоётада хушмуомала, мижозларга меҳрибон.

Жамоада қатъий интизом мавжуд. Ходимлар ортиқча шовқинсиз ишлашади. Бўлимда доим осей-ишталик ҳукм суради, ҳамма ўз иши билан шуғулланади.

Нафақа берилаётган кунлари бу ерда тўпланган пенсионерлар доимо тартиб билан ўз пенсия пулини олади. Сабаби нимада десангиз, бўлим бошлиғи Марғубахон нафақат тартиб-интизомни ёқтиради, балки пенсия пулларини олиш учун келиш имкониятига эга бўлмаган пенсионерлар, масалан, ногиронлар ёки оғир беморларни ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Почтачиларни уларнинг уйларига юбориш ва пенсия пулларини ҳеч кечиктирмасдан етказиб беришни таъминлайди.

Марғуба Холбекова ва мазкур бўлимда узок йиллар меҳнат қилиб келаётган Зинаида Болотова ҳамда уларни қўллаб-қувватлаб турган вилоят алоқа корхонаси раҳбарларига миннатдорчилик билдираимиз.

Воҳид ҲУСНОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси

● ТО'УХАТ

Мадина опага аталган гуллар

ЯҚИНДА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ ЖАМОАСИ АЖОЙИБ БИР ТАДБИРНИ ЎТКАЗИШ УЧУН ТўПЛАДИ.

Марказ касаба уюшмаси кўмитаси ва маъмурияти тажрибали ходима Мадина Мухаммаджоновани 60 ёшга тўлиши ва шу марказда узлуксиз 30 йил ишлаганини алоҳида таъкидлаб, унга анвойи гулдасталар, қимматбаҳо совғасаломлар топширди.

— Мадина опа ҳаммамизнинг беназир устозимиз бўлади, — дейди касаба уюшмаси кўмитаси раиси Людмила Егай. — Ёшлардан ўз тажрибаси ва фойдали маслаҳатларини асло аямайди. Бугунги кунда ҳам шижоат билан меҳнат қилиб, ёшларни кутубхоначилик касбига меҳр қўйиб ишлашга ва яшашга ўргатиб келяпти.

Мадина опа ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 1974-1975 йилларда Гулистон шаҳридаги санъат билим юртининг кутубхоначилик бўлимини битирди ва мазкур кутубхонага ишга кирди. Етарлича билим ва маҳорат орттирган, 1988 йилда катта кутубхоначи вазифасига ўтказилди. Узок йиллар мобайнида касб маҳорати ортиб, кутубхоначилик соҳасидаги билимлари доираси кенгайиб борди. Ёшлар Мадина опани китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлимининг нафақат бош кутубхоначиси, балки олижаноб инсон сифатида ҳам ҳурматино жойига қўйишади.

— Ўзининг 60 ёшини муносиб қаршилаган Мадина опа қанчадан-қанча китобхонларга, айниқса, ёшларга билим улашди, — дейди ахборот-кутубхона маркази бошлиғи Алжон Бойматов. — Уларнинг маънавий юксалишига, маърифатли ва маданиятли бўлишига ўз меҳрини, меҳнатини сингдирди. Китобхонлар сафининг 7569 нафарга кенгайишида опанинг хизматлари катта.

Халқимиз дарахт бир жойда кўкаради, деб беҳуда айтмайди. М.Мухаммаджонова шу кутубхонада меҳнат фаолиятини бошлади, оила қурди. Хозирги вақтда уч нафар фарзанднинг меҳрибон онаси.

Меҳнат қилган — элда азиз. Ўша куни Мадинахон опанинг кучоғи гулларга тўлди, қалбидаги қувонч Сирдарё янглиғ жўш урди. Севинчи юрагига сиғади. Касаба уюшмасига бундай эътибор ва ғамхўрлик учун самимий миннатдорчилик билдирди.

Азимбек ДЎСТМАТОВ

Фидойилардан бири



ШУНДАЙ ИНСОНЛАР БОРКИ, ҲАЁТЛАРИНИ СЕВГАН СОҲАЛАРИГА БАҲШИДА ЭТАДИЛАР, БУ ЙЎЛДАГИ БАРЧА ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГИБ ЎТИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАДИЛАР ВА БУНГА ЭРИШАДИЛАР ҲАМ. АНА ШУ ҲАРАКАТ, АНА ШУ ФИДОЙИЛИК УЛАРНИНГ ЭЛ ҲУРМАТИГА САЗОВОР БЎЛИШИГА САБАБ БЎЛАДИ.

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази бош илмий ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори, профессор Пўлат ака Ҳасанов ҳам ана шундай инсонлардан бири.

Пўлат Ҳасанов 1937 йил 15 декабрда Тошкент вилоятида таваллуд топган. 1955 йилда ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, Ўрта Осиё политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)га ўқишга кирди. 1960 йилда шу институтнинг энергетика факултетини битириб, электр муҳандиси дипломини олди ва мазкур факултетда катта лаборант, сўнгра лаборатория мудири вазифаларида ишлади. 1961 йилда шу институтнинг аспирантурасига қабул қилинди ва уни 1964 йили тасмоллаб, «Электротехниканинг назарий асослари» кафедрасида катта ўқитувчи лавозимига иш бошлади. 1967 йилда «Назарий электротехника» ихтисослиги бўйича «Уч элементли феррорезонанс релелар» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва 1968 йилда доцентлик даражасига эришди. У бу даргоҳда 1996 йилгача турли вазифаларда ишлади, профессорлик унвонига эга бўлди. 1996-99 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Давлат ва жамият қурилиши академиясида бўлим бошлиғи, бошқарма (марказ) бошлиғи, 1999 йил май ойидан 1999 йил охиригача эса Давлат тест марказининг директори маслаҳатчиси лавозимларида ишлади, 1999 йилдан то шу кунга қадар Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида илмий консультант, бош илмий ходим вазифасини бажариб келмоқда.

Домла хозирги кунда ахборот хавфсизлиги ва криптография йўналишлари бўйича илмий ишларда фаол иштирок этмоқда. У 2005-2006 йилларда Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида ишлаб чиқилган Ахборотнинг криптографик муҳофазаси бўйича Ўзбекистон Давлат стандартлари муаллифларидан бири ҳисобланади.

Унинг кўп йиллик ҳалол меҳнати, республика алоқа ва ахборотлаштириш тизимига малакали кадрлар етиштиришга ва соҳа фанини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ташкил топганининг 15 йиллиги муносабати билан П.Ҳасанов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Пўлат ака илмий фаолият билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда. У хозирги кунда Тошкент давлат техника университетида «Назарий электротехника» докторлик ҳимояси бўйича ихтисослаштирилган кенгаши, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказининг илмий-техник кенгаши ҳамда «Алоқа дунёси» илмий-техник журнали таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида юртимизда илм-фаннинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази раҳбарияти ва ходимлари серқирра олим Пўлат Ҳасановни таваллуд кунининг 70 ва илмий фаолиятининг 50 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Унга сийҳат-саломатлик, узок умр ва илмий фаолиятида улкан муваффақиятлар тилайди.

Саломат ҲОШИМОВА,
Маҳмуда НАЗАРОВА,
ФТМТМ ходимлари

Трибуна Специалиста

(Продолжение. Начало в №48)

Организация монтажных работ и рабочего места

До начала монтажа руководитель монтажных работ обязан изучить соответствующую техническую документацию, провести обследование района строительства, сопоставить план расположения соединительных муфт с

для монтажных материалов и инструмента. Для сидения монтажников имеются вращающиеся стулья с регулировкой высоты. В передней части кузова размещается шкаф для хранения и транспортирования измерительных приборов и верстак для выполнения сопутствующих работ.

В кузове также располагаются сиденья-лари, предназначенные для крупногабаритных инструментов, оборудования и материалов.

О ТРЕБОВАНИЯХ К МОНТАЖУ ОПТИЧЕСКИХ КАБЕЛЕЙ

реальными возможностями и получить необходимые монтажные материалы, инструмент, приспособления и инвентарь.

Для осуществления оперативной связи в процессе монтажа (контрольных измерений) должны быть получены не менее трех радиостанций.

В состав технической документации должны входить:


- наряд на выполнение работ;
- требование на получение материалов и инструмента;
- монтажная схема линий с указанием мест монтажа соединительных муфт;
- план очередности монтажа соединительных муфт;
- бланки-паспорта на соединительные муфты.

Монтаж соединительных муфт и контрольную измерительную проверку в процессе монтажа производит комплексная бригада в составе 4 человек:

- инженер-измеритель – 1;
- техник-измеритель – 1;
- монтажник связи-спайщик 6-го разряда;
- монтажник связи-спайщик 5-го разряда.

Примечание: К работе допускаются только лица, прошедшие специальное обучение по монтажу и измерениям оптических кабелей связи. Для монтажа муфты используется инструмент, показанный на рис. 1.

Рис. 1.



Монтаж соединительных муфт производится в монтажно-измерительной автомашине, оснащенной кузовом закрытого типа (КУНГ).

Внутри кузова устанавливается монтажный стол, оборудованный приспособлением для закрепления концов монтируемого кабеля и размещения монтажных инструментов. Здесь же предусмотрено место для транспортирования устройства для сварки оптических волокон и работы с ним во время монтажа, а также ящики

освещения в салоне кузова естественное – через окна и искусственное – от ламп в плафонах напряжением 12В, расположенных у монтажного стола и верстака. Питание всех электропотребителей осуществляется от бортовой сети 12В или портативной бензоэлектростанции АБ-1 мощностью 1кВт. Для подключения бензоэлектростанции к щиту питания имеется комплект шнуров на вращающихся катушках.

Для измерения на конце другой стыкуемой строительной длины кабеля используется еще одна монтажно-измерительная машина.

Инструмент для монтажа оптических кабелей

Набор инструментов для монтажа оптического кабеля – НИМ-25 (Табл. 1.), предназначен для

Табл. 1.

Кусочки КИРЕС для обрезки силового элемента (провода);
Пакеты КИРЕС;
Стриппер МПЛЕР для удаления 250 мкм оболочки оптического волокна;
Бокорезы КИРЕС;
Стриппер Милер Т-типа для удаления 900 мкм буферного покрытия;
Набор отверток;
Стриппер-триммер для удаления фрагмента оптического модуля (ОЕАЛ);
Индикатор;
Стриппер АМ-1 для снятия наружной оболочки кабеля;
Нож;
Индикатор Милер для резки арматурных витков;
Рулетка измерительная;
Плоскогубцы;
Фигурный;
Набор из трех лезв (2х, 5х, 10х);
Набор привлек для проточки диаметра (8 шт.);
Картридж-регулятор инфракрасного излучения;
Маркерные самонаклеивающиеся этикетки;
Жидкость для смазки гермофила D'Gel;
Линейка световая;
Детектор для сварки с индикатор (25 мВ);
Коробка для ИИИ;
Салфетки безворсовые КИМ-ИПРЕС;
Жесткий кейс;

разделки городских, подвесных и магистрально-зоновых волоконно-оптических кабелей в процессе монтажа оптических линий связи. Набор представляет собой удобный кейс со всеми необходимыми для разделки высококачественными инструментами ведущих фирм мира. Набор включает все, что может понадобиться в работе – от фонарика до салфеток для протирания волокна.

Байсеит УТАБАЕВ,
директор дочернего
предприятия ЦНТМИ
«ALOQA VA TOZA ENERGIYA
TEKNOLOGIYALARI»

WWW.UZ
НАЦИОНАЛЬНАЯ ПОИСКОВАЯ

– ЕЩЕ УДОБНЕЙ, ЕЩЕ ИНТЕРЕСНЕЙ!

Центр UZINFOCOM рад сообщить о запуске новой версии Национальной информационно-поисковой системы WWW.UZ (НИПС).

Система претерпела значительные функциональные изменения, также как и общий стиль и дизайн, которые были кардинально изменены.

Изменения видны уже с первой страницы, она стала более насыщенной и упорядоченной, кроме того появились новые разделы, а часть старых была значительно модернизирована:

Новые домены в зоне .UZ

(Система Whois, позволяющая проверить новые домены в зоне .UZ);

Информер последних тем uForum;

Интересное от Ziyonet (Поступления в Библиотеку, последние Публикации и др.);

Новые лица на ID.UZ;

Полезное от UZ-CERT (Вирусы, Угрозы, Уязвимости);

Система авторизации.

Изменена система ТОП-рейтинга: теперь она доступна по направлениям зарегистрированных сайтов (Hi-Tech, Органы государственной власти, Развлечения и многое другое);

В пункте Хост-провайдеры раздела Сводная статистика теперь будут перечисляться IP диапазоны провайдеров Узбекистана. Предыдущая версия портала не предоставляла такой информации. Такая информация будет очень полезна для тех, кто занимается администрированием компьютерных сетей.

Следует отметить новую «фишку», которая понравится тем владельцам сайтов, которые предпочитают всегда притерпываться собственному стилю: преобразовался вид и дизайн счетчика системы посещаемости сайтов - пользователи самостоятельно смогут настроить цветовую палитру счетчиков, подстраивая их «под себя».

Также для удобства интернет-пользователей рядом с каждым зарегистрированным в каталоге сайтом можно увидеть значок UZ-CERT, уведомляющий об участии сайта в программе UZ-CERTIFIED.

Надеемся, что новая структура НИПС и ее дизайн сделает посещение более приятным и комфортным.

Ваши предложения и замечания по работе НИПС можно оставить на uForum.

Новости в сфере ИКТ

PDF ОДОБРЕН В КАЧЕСТВЕ МЕЖДУНАРОДНОГО СТАНДАРТА

Распространенный формат PDF, применяющийся для обмена электронной документацией, одобрен для утверждения в качестве стандарта ISO.

Заявка на стандартизацию PDF была направлена в ISO еще в январе этого года. А на днях состоялось голосование, в ходе которого большинство стран высказались за принятие версии PDF 1.7 в качестве международного стандарта. В целом, в голосовании приняли участие пятнадцать стран, из которых тринадцать утвердили стандартизацию PDF. Единогласному принятию PDF помешали представители Франции, высказавшиеся против, и России, которые предпочли воздержаться.

В общей сложности страны-участницы голосования предъявили разработчикам формата PDF чуть больше двухсот замечаний. Больше всего нареканий возникло у Соединенных Штатов и Франции, которые составили списки из 125 и 37 комментариев, соответственно.

Теперь разработчикам PDF предстоит подготовить ответы на замечания экспертов и обнародовать их в период с 21 по 23 января будущего года. Если страны, участвовавшие в голосовании, будут удовлетворены объяснениями, формат PDF будет утвержден в качестве стандарта ISO 32000. В противном случае, формат отправится на выработку заключительного проекта международного стандарта (FDIS).

ТРАНЗИСТОР ИСПОЛНЯЕТСЯ 60 ЛЕТ

В текущем месяце исполняется ровно шестьдесят лет с момента изобретения транзистора – электронного прибора, появление которого кардинально изменило ход развития ключевых областей науки и техники.

Официальной датой появления транзистора считается 16 декабря 1947 года. Именно в этот день трое сотрудников лаборатории Bell Labs, Уильям Шокли, Джон Бардин и Уолтер Браттейн, представили действующий образец транзистора – трехэлектродного полупроводникового электронного прибора, в котором ток в цепи двух электродов управляется третьим электродом. 23 декабря состоялась официальная демонстрация разработки сотрудников Bell Labs.

Нужно заметить, что поначалу для транзистора рассматривались несколько возможных названий, в частности, полупроводниковый триод (Semiconductor Triode) и кристаллический триод (Crystal Triode). Однако в итоге предпочтение было отдано слову «транзистор», полученному путем соединения двух терминов – Transconductance (активная межэлектродная проводимость) и Varistor (перулируемый резистор). Примечательно, что поначалу научное сообщество достаточно прохладно отнеслось к разработке ученых Bell Labs. Однако уже в 1956 году Шокли, Бардин и Браттейн были награждены Нобелевской премией по физике.

Первыми транзисторы начали применять радиолобители для усиления сигнала. Позднее транзисторы заменили широко распространенные в то время вакуумные лампы в большинстве устройств, совершив настоящую революцию в области создания интегральных схем и компьютеров. Сейчас сложно представить себе какое-либо электронное устройство, в котором бы не использовались транзисторы.



Хабар +tv

ДУШАНБА

ДУШАНБА – 17 ДЕКАБР

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Сарой жаҳонери». Т/с.
7:35 «Юртим бўйлаб» дастури. «Ўзбекистон қирқоқчилиги»
7:55 Отин мерос.
8:00-8:40 «Ташкентчи»
8:45 «Сем ва одам» дастури. «Заман пой-поялари»
«Болалар сайраси»
9:10 «Болалар дўстони»
2 «Кўрбон малаик». Мультфильм.
10:15 «Хонан балча»
10:50 «Мил бир ривоят»
11:00 «Абсорб»
11:15 «Алеқ билан». Т/с.
11:50 «Юртим бўйлаб» дастури. «Дийрим тайфони»

12:00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундаги дастури.
13:05 Жаҳон мусиқаси хазинасида. И. Бранс.
14:00 «Абсорб»
14:20 Эсон альбом.
14:25 «Туркиш қоррақларидан». Т/с.
15:15 «Юртим бўйлаб» дастури. «Ўзбекистон қирқоқчилиги»
15:40 «Ватанлар»
16:40 «Манақ университет»
17:00 «Абсорб»
17:15 Отин мерос.
17:20 «Хай ва қуян»
«Болалар сайраси»
17:40 «Эрталар – вақилиқ етаклар»
17:55 «Мил бир ривоят»
18:00 «Туркиш қоррақларидан». Т/с.
18:45 «Бир кун»
19:10 «Сонглар эвкалипти»
19:20 «Сонглар эвкалипти»
19:25, 19:55, 20:55, 21:30 Экинчид.
19:30 «Абсорб» (рус тилида)
20:05 «ТВ шифо»
20:10 «Алеқ билан». Телевизион премьераси (Туркия)
20:50 «Мил бир ривоят»
21:00 «Абсорб»
21:40 «Фаришадлар тулови». Телевизион премьераси (Корея)
23:00 «Қўшиқчилар, муҳаббат! (SMS. Овоз берин)»
23:15 «Рамзи» Т/с.
